

Масжидга туфлаш гуноҳдир



19:30 / 30.05.2021 1719

لَا أَقَامَ لِسَوْوَةِ يَلْعَهُ لَلِ اِيْلَصَّيْبِنَ لَانَعُ ، عُنَّ لَلِ اِيْضَرَ سَنَأَنَّ
عَبَّرَ اَلْاَوْرَ . اَهُنْفَدَ اَهُتْرَافَكَوْ وُؤِئِي طَخِ دِجْ سَمَلِ اِيْفُ قُ اَرْبُلِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Масжидга туфлаш гуноҳдир, унинг каффороти ювиш, кўмиш биландир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда масжиднинг тупроғига туфлаш ҳаром эканлиги ҳақида сўз бормоқда. Ким масжиднинг тупроғига туфласа, гуноҳ иш қилган бўлади. Бу гуноҳни ювиш ўша тупукни кўмиб қўйиш билан бўлади. Чунки у нажас бўлмаса ҳам, одоб, ахлоқ, тозалик, соғлиқни сақлаш қоидаларига тўғри келмайди. Бундан масжидда умуман туфлаш мумкин эмаслиги маълум бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди